

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.
№ 114 (4361).
10
И Ю Н Ъ
ЧОРШАНБА
1970 йил,
Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди. Пленумда бўлиб ўтган Тошкент об-
ласть комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаевнинг
масаласи: «Ўзбекистон КП Марказий Комитети XVIII пленуми
қарорлари асосида коммунистик қури-
лишда хотин-қизлар активлигини янада оширишда область пар-
тия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия коми-
тетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Бўка район пар-
тия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев, «Оққўр-
ғон» совхоз партия комитетининг секретари Р. М. Убайдулла-
ева, Бекбод район ижроия комитетининг раиси Э. Ҳатамов,
Тошкент қишлоқ хўжалиқ институтини партия ташкилоти секре-
тари Х. А. Зиёвуддинова, Тошкент кабель заводининг мастери
Д. Розиков, область касабасоюзлари советининг секретари
А. В. Браилов ўртоқлар қатнашди.

Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдуразақов
қўн тартибдаги иккинчи масала: «Ўзбекистон КП Марказий
Комитети XVIII пленуми қарорлари асосида коммунистик қури-
лишда хотин-қизлар активлигини янада оширишда область пар-
тия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Чирчиқ шаҳар партия ко-
митетининг секретари Н. К. Савченко, Октябрь район партия
комитетининг биринчи секретари Т. С. Солиқов, Ўрта Чирчиқ
районидagi Терешкова номида колхоз раиси У. Хасанова, Бўс-
тоилқў район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю.
Юсулов, Юқори Чирчиқ районидagi «Коммуна» колхоз партия
ташкилотининг секретари Т. Қўлатов, область комсомол коми-
тетининг секретари М. Н. Мирсоатова ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда муҳокама қилинган ҳар иккала масала юзасидан
тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташки-
лий-партиявий ишлар бўлигининг мудири Г. М. Орлов қат-
нашди.

Янгиёул районидagi «Интернационал» колхозининг М. Ма-
кариде бошлиқ эвено аъзолари беш йилликнинг сўнгги йилида
ҳар гектар майдонда 30 центнердан дурдона йиғиштириб олиш
учун қизгин меҳнат қилмоқдалар. Бу эвенонинг 68 гектар
майдондаги гузалари яхши ўсмонда. Суратда: култивация
А. АБАЛАН фотоси.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Г. И. ВОРОНОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

НОВОСИБИРСК, 8 июнь.
(ТАСС). Бугун давлат акаде-
мик опера ва балет театрининг
залига ишчилар, инженерлар,
олимлар, студентлар — Ново-
сибирск—Октябрь сайлов о-
қруғининг сайловчилари тўпла-
лишти. Улар ўзларининг СССР
Олий Совети Иттифоқ Совети
депутатлигига номзодлари —
КПСС Марказий Комитети Сий-
сий Бюросининг аъзоси,
РСФСР Министрлар Совети-
нинг раиси Геннадий Иванович
ВОРОНОВ билан учрашдилар.
Депутатликка номзоднинг

ишончли вакили — Новоси-
бирск инструменталь заводни-
нинг бош техноклиги Е. Н. Ак-
сенов Г. И. Вороновнинг ҳаёт
йўли, партия ва давлат арбоби
сифатидаги фаолияти тўғриси-
да сўзлаб берди. У сайловчи-
ларни халқ номзодлари — со-
циалистик ватаниннинг энг
яхши намоёндалари учун як-
диллик билан овоз беришга
даъват этди.

Учрашувда сўзга чиққанлар
сибирликларнинг фидокорона
меҳнати тўғрисида гапирдилар.
Улар Коммунистик партиянинг
планига мувофиқ мамлакатни

мизнинг бу жуда катта ва бой
районини қудратли индустрия
ва қишлоқ хўжалиги жуда та-
раққий этган ўлкага айлантир-
дилар. Нотиклар барча сайлов-
чиларни СССР Олий Советига
бўладиган сайловда коммунист-
лар билан партиясизлар бўзил-
мас блокнинг номзодлари
учун якдиллик билан овоз бе-
ришга чақирдилар.

Г. И. Воронов учрашувга
йиғилганлар ҳузурида нутқ
сўзлади. У билдирилган ишонч
учун сайловчиларга самимий
миннатдорчилик назор этди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Чирчиқдаги 160-қурилиш
трестига қарашли иختисослаш-
тирилган қурилиш ташкилотла-
ри қувончли ютуқни қўлга ки-
ришдилар. Чирчиқдаги бунёдкор-
лар Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети маъқулла-
ган В. И. Ленин номида метал-
лургия заводи, «Қизил тоғ»
текстуриллик фирмаси, Чирчиқ
электр химия комбинати ҳам-
да қийин эрийдиган ва ўтга чи-

дамли металллар комбинати кол-
лективларининг ватанпарварлик
ташаббусига ҳўшйилиб ҳамда
социалистик мусобақани кенг
авж олдириб, ярым йиллик
плани беш ойда муваффақият-
ли адо этдилар.

— Утган беш ой ичюда, — дей-
ди 160-қурилиш трестининг
бошқарувчиси М. Беловалов, —
13501 минг сўмлик қурилиш-

монтаж ишлари амалга оширил-
ди. Қурувчиларининг ишқис-
тилик меҳнати орасида қўлгига
мақсадда қурилиш материалла-
ри тежаб қолдири, меҳнат уну-
дорлиги анча ортди. Биз ташаб-
бускор корхоналар изнанда бо-
риб, эмишга олган ўз социали-
стик мажбуриятларининг бай-
рамгача тўла адо этиш учун
янада ғайрат қиламиз.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия ко-
митети ва область ижроия коми-
тетини районлар, колхозлар,
совхозларнинг давлатга саба-
бот, картошка топириш ва
тайёрлаш, шунингдек Райпишче-
торгларнинг маҳсулот тайёрлаш
ва аҳолига сотишнинг 1970
йил 1 июнгача бўлган ишлари
натияжаларини кўриб чиқиб қар-
ор қилдилар.

Область партия комитети ва
область ижроия комитетининг
қўчма Қизил байроғи Калинин
районидagi Охунбобоев номида
колхозга (раиси Жалилов, пар-
тия ташкилотининг секретари
Ҳакимов, бош агроном Эшоқов
ўртоқлар) берилди. Бу колхоз
май ойида белгиланган шартно-
малардаги сабаботларини турли
ассортиментлар бўйича сотиш

планини 280 процент, картошка
сотиш планини 310 процент ба-
жаришга эришган.

Область партия комитети ва
область ижроия комитетининг
қўчма Қизил байроғи Чилонзор
райпишчеторгига (директори Ту-
раев, партия ташкилотининг
секретари Исабобов ўртоқлар)
берилди. Бу райпишчеторг хо-
димлари бир ойлик планда қўс-
батилган сабабот тайёрлаш ва
аҳолига сотиш юзасидан белги-
ланган топиришнинг 105,7 про-
цент, картошка тайёрлаш ва
сотиш планини 112,8 процент
бажаришга эришган.

Область партия комитети ва
область ижроия комитетининг
қўчма Қизил байроқлари кол-
хоз ва райпишчеторг вакиллари-
га топирилади.

ҒАЛЛАНИ ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЎРИБ ОЛАМИЗ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНОБОД» КОЛХОЗИ АЪЗОЛАРИНИНГ РЕЖАЛАРИ

«Ленинобод» колхозининг аъзо-
лари В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллиги шарафига бош-
ланган социалистик мусобақани
кучайтириб, беш йилликнинг сўн-
ги йили мўл ҳосили учун ўтган
йил мўлда пухта замин яратган
эдилар. Ҳамма майдонга белгилан-
ган вақтда ва қўлай агротехника
муддатларида кузги ғалла экин
муваффақиятли ўтказилди. Ўрта
баҳорда ғалла майсалари борона
қилинди ва қўшма оқилантири-
лиди, шунинг учун ҳам мўл ҳосил
етиштиришга эришилди. Колхоз
планидаги 11 центнер ўрнига ҳар
гектар ердан 12 центнердан, яъни
2600 тоннадан кўпроқ дон сотишга
қарор қилди.

Биз Ғаллаорол район колхоз ва
совхозларининг дон экинларини
ўриб-йиғишни қисқа муддатга ўт-
казиш юзасидан белгиланган тар-
тибларини муҳокама қилиб чиқиб,
барча майдонларда ғаллани қис-
қа муддатга — 15 иш кунига
ўриб-йиғиб олишга қарор қилдик.
Хосиб-китобларга қараганда биз
давлатга ғалла сотиш юзасидан
олган мажбуриятимизни тўла ба-
жарамиз, хўжалигимизни уруғлик
билан етарли миқдорда таъмин-
лаймиз, молларга едирини учун за-
рур миқдорда ем ажратиб қўямиз,
шунингдек, колхозчиларнинг меҳ-
нат кўнига бериш учун етарли
миқдорда ғалла ажратилиши таъ-
минлаймиз.

Ғалла ўриб-йиғишни қисқа
муддатга ўтказиш учун бизда
барча имкониятлар бор. Паст-ба-
ланд қир-адларда техникадан
муваффақиятли фойдалана ола-
диган механизаторларга эгамиз.
Тожибой Пирназаров, Пўлхот
Ашуров, Усмон Еров, Нишон
Эйтизов ва бошқа комбайнчилар
ўтган йили ўз агрегатларини жу-

да яхши ишлатдилар. Ҳар бир-
лари 300 ва ундан ортқ ердаги
ғаллани ўриб-йиғиб бердилар. Бу
азамат механизаторлар комбайн-
ларини ўрим мавсумига яхшилаб
ремонт қилиб қўйдилар ва ҳар
бирлари бултурғига қараганда
кўпроқ ердаги ғаллани ўриб бе-
риш юзасидан шахсий мажбурият
олдилар.

Ғалла ўриб-йиғим кампанияси
арафасида биз барча комбайн-
ларини далада сынаб кўрдик. Улар
сифатли ремонт қилинганлиги маъ-
лум бўлди.

Ғалла ўриб-йиғимини белгилан-
ган муддатга ўтказиш мақсадида
инини икки сменада ташқи-
лаш. Қўшимча 10 та комбайнчи
тайерлаймиз. 20 тракторчи иш
олиб боради. Ғаллазорларимиз-
нинг, рельефини ҳисобга олиб
ҳар бир комбайнчига сменада 6
гектар, умуман кун бўли 12 гек-
тар ердаги ғаллани ўриб бериш
юзасидан норма белгиланади. Ана
шундай қилганимизда комбайн-
лар гуруҳи бўлиб ишлаб, бир
кунда 120 гектар ердаги ғалла-
ни ўриб оладилар.

Комбайнларнинг унумли ишла-
ши таъминлаш мақсадида
йўллар, қўприқлар ўз вақтида
ремонтдан чиқарилди ва зарур
миқдорда запас қисмлари бўлган
қўчма устаноналар ташкил этил-
ди. Ғалла ўриб-йиғимини бошлаш-
гунга қадар далаларни заҳарли
бегона ўтлардан батамом тозалай-
миз.

Биз 15 июнга қадар икки кун-
лик семинар ташкил этиб, меха-
низаторлар, шоферлар, хирмонда
ишлайдиган колхозчилар билан
техника хавфсизлиги, ёнғиндан
сақлаш тадбирларини меҳнат ҳақ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг Ғалла-
орол райони колхозлари ва совхозларининг дон экинлари
ўриб-йиғишни қисқа муддатга ўтказиш юзасидан бел-
гиланган тадбирларини маъқуллаб чиқарган қарори ва Юқори
Чирчиқ районидagi «Ленинобод» колхозининг бу ташаббус
юзасидан белгиланган тадбирлари ҳақида. Ўзбекистон КП
Марказий Комитетининг «Ғаллаорол район колхоз ва сов-
хозларининг дон экинлари ўриб-йиғишни қисқа муддатга
да ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлари» ҳақида 1970
йил 6 июнда қабул қилган қарор раҳбарликка ва бажариш
учун қабул қилинди.

Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинобод» колхозининг бо-
шоқли дон экинлари ўриб-йиғимини ўтказиш ва давлатга
ғалла сотишнинг таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирлари
маъқуллади.

Район партия комитетларига Ғаллаорол райони ва Юқори
Чирчиқ районидagi «Ленинобод» колхозини ғаллакорларни то-
монидан белгиланган тадбирларини барча ғаллакор хўжалиқ-
ларда муҳокама қилиш ва ҳосилини сира нобуд қилмай қис-
қа муддатга ўриб-йиғиб олиш ва давлатга етказиб беришни
таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиш тасвир қилинди.
Область газеталари редакцияларига ғаллакорлар ўртасида
бошланган социалистик мусобақани кенг ёритиш таклиф
этилди.

тўлаш ва шуларга ўхшаш бош-
қа масалаларни келишиб оламиз.
Ўриб-йиғилган ғаллани ҳисоб-
китоб қилишни яхши йўлга қўя-
миз. Ўриб-йиғим бошлангунча ҳам-
ма жойдаги тош-тарозилар тахт қи-
либ қўйилди. Қабул пунктига юбо-
риладиган ғалла олдин колхоз-
нинг ўндода тортилади, сўйра
жўнатилди.

Биз ўриб-йиғимни 15 июндан
кечикмай бошлаймиз. Комбайн-
дабул пунктига ҳам ғалла ташинида
15 та махсус юк машиналари иш-
лайди. Шундан 10 тасини комбайн-
ларга бериштиб қўямиз.
Автомашиналарни ёришти ва

садида ҳар бир комбайнчи ёнғин-
га қаршибурулар билан таъмин-
ланган бўлади. Дон хирмонларида
тозаланиб давлат оибдорлигига ет-
казиб берилди. Бунинг учун бри-
гадаларга 4 та дон тозалайдиган ва
2 та транспортёр ақратилди.
Ғалла ўриб-йиғимини олишнинг би-
рлашқорларни хайдашга иштирок
қилиш. Адирларда 9 та ҳайдов тра-
кторлари ишлаб туради. Биз не-
гусин йил мўл ҳосили учун замин-
ни ўз вақтида тайёрлаб қўямиз.
Кузги ғалла экинни 15 сентябр-
дан бошлаймиз.

Ғалла ўриб-йиғимини муваф-
фақиятли ўтказишда коммунист-
лар асосий ролини ўйнайдилар.
Бу соҳадagi социалистик мусоба-
қани ташкил этишда колхоз пар-
тия комитети бошчилиги қилиди.

Биз ўйлаймизки, белгиланган
тадбирларни қўйилгандайдек
амалга оширишда ишчи кучлари
ва агрегатларнинг жой-жойига
тўғри қўйилганлиги алоҳида аҳа-
миятга эга. Ҳар бир бригадда
белгиланган планини бажаришга
жавобгар кишилар бўлади. Улар
ўзларининг иш планларини асосида
ўриб-йиғимни олиб борадилар.

Ўрим-йиғим даврида колхозчи-
лар, механизаторлар ўртасида
сиёсий-оммавий ишлар айланис-
га кучайтирилади. Сухбатлар, ле-
кциялар, доқладлар ўтказиб тури-
лади. Ғаллачилар бригадалари,
комбайнчилар, колхозчилар, шо-
ферлар ўртасида ана шундай иш-
ларни айланисга қўлайтирамиз.
Мусобақа илғозлари ҳар беш
кунда қимматбаҳо бўюмлар би-
лан мукофотлашиб турилади.
Қўчма йиғиллар ташкил этила-
ди. Колхоз бадийи хаваскорлари
ўрим-йиғим кунларида концерт

лар қўйиб берадилар. Бригада-
ларда жанговар варақалар, дево-
ри газеталар мунтазам чиқариб
берилади. Ҳар бир бригадда
курсаткич тахталари ташкил
этилиб, унда смена қилинган ба-
жариш кўрсатиб турилади.

Комбайнчилар, тракторчилар,
шоферлар, белгиланган топи-
риқларни ошириб бажарганлари-
да уларга қўшимча ҳақ «ўлаш
кеңг жорий этилади. Ғалла ўриб-
йиғимда иштирок этаётганлари
учун пессик оват, аванс пулларини
ўз вақтида бериб борилади.

Комбайнчилар, тракторчилар
махсус иш кийимлари билан, чанг
ва иссиқдан сақлайдиган қўйон-
лар билан таъмин этиладилар.
Ғалла ўришда ишлайётганлар
учун дам олиш хоналари ишлаб
туради. Дала шийпонларида теле-
визор, радиоприёмниклар ўрна-
тилди. Кундалик газета ва жур-
наллар ўз вақтида етказиб бе-
рилади.

Ғалла ўриб-йиғимини белги-
ланган муддатга, сира нобуд
қилмай ўтказиш ва давлатга ғал-
ла топириш юзасидан белги-
ланган планларини қисқа муд-
датга адо этиш колхоз икономикаси-
ни мустоҳкамлайди. колхозчилар-
нинг моддий манфаатдорлигини
оширади. Биз ҳамма ишларимиз-
ни ана шу мақсадга бўйсундири-
ган ҳолда олиб борамиз.

«Ленинобод» колхозининг аъ-
золари ўрим-йиғимини қисқа му-
датга ўтказиш ва В. И. Ленин
юбилейи шарафига бошланган
мусобақани муваффақиятли яку-
лаш учун ўз зиммаларига оқиб
мажбуриятини наараф билан адо
этадилар ҳамда давлатга ғалла
топириш юзасидан беш йил
белгиланган топириқларини тўла
адо этадилар.

Колхозчиларнинг топириғига
биноис:

Т. РИЗАЕВ — колхоз раиси

С. РАЖАМАТОВ — партия

ташкilotининг секретари,

Ф. ФАТҲУЛЛАЕВ — бош аг-

роном.

Т. ДАДАЖАНОВ — бош и-

жнер.

ҚИРҒИЗИСТОН ССР ТУП РАЙОНИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва
СССР Министрлар Совети аҳоли
ишайдиган бир қанча пунктларни
вайрон қилган табиий офат —
зилзила мувосабати билан Қирғи-
зистон ССРнинг Туп райони меҳ-
наткашларига чуқур таъзия ва
ҳамдардлик билдирадилар.

СССР ҳукумати ва маҳаллий
республика органлари «зилзила
оқибатларини тугатилиш ва зарар
қўрилларга ёрдам бериш чорала-
рини кўрмоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ,
СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ЗИЛЗИЛА

ФРУНЗЕ, 8 июнь. (ТАСС). 5
июнда соат 7 дан 53 минут ўт-
ганда Қирғизистоннинг Туп рай-
они территориясида Пржевальск
шаҳридан шарқ томонда зилзила
бўлди. «Фрунзе» сейсмик стан-
циясининг маълумотларига кўра,
зилзиланинг кучи унинг маркази-
да 8 баллга етди. Кучли ер ости
зарбалари 8 июнгача давом этди.
Аҳоли ишайдиган бир қанча пун-
ктлар зарар кўрди. 5 мингта яқин
уй бузилди. 20 мингдан ортқ
аҳоли бошпанасиз қолди.

Зилзиладан зарар кўрган ма-
нзилгоҳларга медицина ходимлари
юборилди, бошқа зарар чорала-
рини ҳам кўриломоқда.

КУРАШ ВА БИРЛИК ПРОГРАММАСИ— А М А Л Д А

(Боши 2-бетда)

«Ҳозирги даврда ленинизмнинг роли ўсиб бораётганини ва антикоммунизмнинг таъқид қилиш» деган мавзуда бағишланди. Февраль ойида Москва ўнлаб мамлакатлардаги халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўнга қўрилган ар-бобларини қабул қилиб олди. Улар «Ленинизм ва жаҳон революцион жарайни» деган мавзуда ўтказилган назарий конференцияда қатнашдилар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамига тайёргарлик ва шу байрамнинг ўзи Ленин таълимотиини пропаганда, ҳимоя қилиш ва ривожлантиришнинг кенг сисий кампаниясига айланди. Шу байрам давомида ленинизмнинг ҳаётини кучи, унинг ҳал қилувчи аҳамияти халқаро май-дондаги синфий кураш нуқтаи на-заридан ҳам, шунингдек айрим мамлакатларнинг конкрет шаро-итига татбиқан ҳам очиб берилди. Ленин юбилейи империализмга қарши, социал тарқиёт учун ку-рашдаги барча кучларнинг чи-накам интернационал байрамига айланди. Ленинга бағишлаб Мос-квада ўтказилган таълиқларда 78 коммунистик ва ишчи партиянинг, 21 миллий демократик партия ва таъқиқловчи ҳама олтига сўз со-циалистик партиянинг вакиллари қатнашдилар. Ленин таълимотиини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришга, революцион курашдаги бирлик ва бирдмаллини мустаҳкамлашга, жа-ҳон империализмга қарши ҳужу-мини кучайтираберишга маҳкам бел боғланганлик КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладыда, қар-дош партиялар ва совет жамоатчи-лиги вакиллариининг нутқларида тўла-тўкис ифодаланди.

Кенгашдан кейин ўтган бир йил ичида Коммунистик ҳаракатдаги

бўтун вазият ўзгариб яхшилланган-лигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бироқ, марксчи-ленинчилар эри-шилган натижалар билан хотир-жам бўлиб қола олмайдилар. Бир-лик учун олиб борилаётган кураш-та қисқа муддатли кампания деб қараб ярамайди. Бирлик иши дои-мо ва тобора кўпроқ куч ва гайрат сарфлашни талаб қилади. Бу оса-барча коммунистик ва ишчи пар-тияларнинг бурчидир. Бизнинг партиямизга келганда, у комму-нистик сарфларнинг марксчи-ленин-ча бирлиги байроғини булан бўён ҳам баян кўтариб бораверади.

Кенгашдан сўнг ўтган биринчи йилнинг сисий ишлари, қилин-ган ишларнинг биринчи амалий натижалари барча коммунистлар-нинг, антиимпериалистик фронт-нинг барча курашчиларини қаноат-лантирмаслиги мумкин эмас. Лекин бу якунларнинг ўзи ҳар қанча му-ҳим бўлса ҳам, аммо бу якунлар жаҳон коммунистик ҳаракатининг истиқболига, эртанги кунига шак-шубҳасиз ўтказадиган ижобий таъ-сири бундан ҳам каттароқдир. Ўр-тоқ Л. И. Брежнев «Ленин иши яшамокда ва галаба қозонмоқда» деган докладыда ўқитиб ўтганидек «Жаҳон революцион жарайни тўх-товсиз ривожланиб бормоқда. Марксчи-ленинчи партиялар на-зарда мустаҳкам ва нуфузли бўлса-лар шу революцион жарайнинг муваффақиятлари шу қадар катта бўлади». Коммунистик ҳаракат-нинг бу бўтун антиимпериалистик фронтнинг ривожланишидаги ижо-бий сиқилиши революцион кура-шининг янги имкониятларини очиб бермоқда, империализм ва ре-акция кучларига қарши курашда социализм ва тарқиёт кучлари эришмажк ютуқларга эришиш-ламоқда.

(«ПРАВДА», 9 июнь).

ОБЛАСТЬ ЛЕКТОРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Яқинда лекторларнинг об-ласть семинари бўлиб ўтди. Се-минарини область тартиб коми-тетининг секретари Б. А. Абду-раззоқов кириш сўзи билан оч-ди.

Семинарда тарих фанлари доктори, профессор, халқ ҳўжа-лиги институтини КПСС кафедраси-нинг мудири М. Мусаев «Лени-низмнинг билимнинг байроғини ва нурусини» деган КПСС Мар-казий Комитети, СССР Олий Совети, РСФСР Олий Со-ветининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағиш-лаб ўтказилган кўшма тантана-ни маълуми материаллари асо-сидаги темада доклад қилди.

Семинар қатнашчилари, шу-нингдек, Ўзбекистон КП Мар-казий Комитетининг лектори, иқтисод Фанлари кандидати, до-цент Г. Н. Скопцов ва тарих фанлари кандидати Г. А. Шис-тер ўртоқларининг «Коммуни-стик ҳаракатда ҳозирги замон ревизионизми ва миллатчилик-ни таъқид», «В. И. Ленин — мутафаккир ва революционер» деган темада докладларини эшитдилар.

Семинар қатнашчилари ўза-рини қизиқтирган масалалар бўйича саволларга қониқарли жавоб олдилар.

ҚАЛБ-ҚАЛБГА ПАЙВАНД

ФРУНЗЕ, 9 июнь. (ЎзТАГ мах-сус мухбирлари). Ўзбекистон ССР декадезининг қатнашчилари Қир-ғизистон пойтахтига қайтиб келиш-ди. Уларнинг меҳмондош республи-када босиб ўтган минг километр-лаб йўллари орада қолди. Ўзбе-кистон вакиллари ҳамма жойда — Тянь-Шаньда ва зангори Иссык-Ку-лда, чорвадорларнинг ўтовлари-да, дала шийпонларида, қуришчи майдонларида ва заводларнинг пехларига, театрларга ва мадан-ий уйларида — меҳнатсевар ва талантили кирғиз халқи билан, унинг ажойиб ўғиллари ва қизлари билан учушмас учрашувлар ўт-каздилар.

Адабиёт ва санъатимизнинг ар-

боблари шу кунларда ўз ижодлари учун кўпгина мароқли ва қиммат-ли материал тўпладилар. Улар ўз-бек сўзи ва қўшиғини дўстларга етказибгина қолмасдан, шу билан бирга ўзалари ҳам кирғиз халқ ижо-дига ҳаётовчи манбаларидан баҳраманд бўлишди. Ўзбекистон ёзувчилари, композиторлари, кино арбоблари ва артистлари бугун ў-заларининг кирғиз ҳамкасблари билан бўлган учрашувада мана шу ҳафта таърифи беришди. Шу суҳ-батларда мамлакатимизнинг мил-лий маданиятига бир-бирини бо-йитиб келиш ҳақида, қардош республикаларнинг маданияти ар-боблари олдига турган актуал мас-алалар ҳақида таърирлиди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИ- РИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 9 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобидан)

Биринчи стун — районларнинг номи, иккинчи стун — бир қувлик ўсиш, учинчи стун — маъсум боши дан бер.

Оққўрғон	0,1	105,6
Янгийўл	—	104,0
Эрта Чирчиқ	0,8	103,8
Калинин	0,1	102,9
Оржоникидзе	0,1	101,6
Юкори Чирчиқ	1,0	94,0
Бўка	0,3	93,9
Бўстонлиқ	2,7	83,8
Бенбод	—	80,9

Область бўйича 0,4 98,3

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАФАЛ ПИЧАН ТАЙЕРЛАШ- НИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 8 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар; ик-кинчи стун — белгиланган план; учинчи стун — тайёрланган; тур-тинчи стун — йиллик планга нисба-тан проценти.

Калинин	20789	6640	31,9
Юкори Чирчиқ	24757	7691	31,1
Янгийўл	29436	8038	27,3
Оржоникидзе	19435	3093	25,9
Оққўрғон	20374	5030	24,7
Бўка	20328	4376	21,5
Бенбод	12012	2253	18,8
Бўстонлиқ	25890	1823	7,0
Эрта Чирчиқ	39225	2135	5,4

Область бўйича 204756 41079 20,1

ЧОРВАДОРЛАР ТАШАББУСИ

Калинин районидаги «Пар-тия XXI съезди совхози ишчи-лари СССР Олий Советига сай-ловлар кунини меҳнатда янги сафарлар билан кўтиб олиш учун курашиб, КПСС Марка-зий Комитетининг Муржазат-дан руҳланиб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. Ним бошлиқ бригада аъ-золари шоди экиншта пухта тайёргарлик кўрган эдилар, ҳозир 20 гектар ердаги шоди текис униб чиқмоқда.

Совхоз чорвадорлари 234 бош сизгирдан 470 тонна сўт сотиш мажбуриятини олган-лар. Ҳозиргача давлатга 250 тоннадан зиёд сўт соғиб топ-

тирдилар. Қўчқор Учқампиров, Шуккура Уфампирова, Зеби Икхоева, Рая Ниткин, Жаҳон Қўшматовлар ферманинг пеш-қадам сўт соғувчилари. Учқам-пированинг боқимида 21 сизгир бор. У ҳар бир сизгирдан 2310 ўринга 2665 литрдан сўт со-ғиш ниятида.

Ферма коллективни чорва учун ем-хашак жамғариш ишига ҳам астойдил кириш-ган. 50 гектар ерга силос учун маюажҳўхори экилган. Чорвадорлар гектаридан 40 ўринга 60 тоннадан силос олишмоқчи.

Б. САЙДАЛИЕВ.



БРУЦЕЛЛЕЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК

Бруцеллез чорва, ёввойи ҳай-вонлар ва кишиларда учрайдиган юқумли касалликлардан бири ҳи-سوبланади. Бу касаллиқни уйғо-тувчи бруцелла микроблари бўлиб, ундан чорвачиликка жуда катта иқтисодий зарар етди. Қайслаб ҳўжалиқ ҳайвонларида бруцеллез касаллиғи тарқалган вақтда улар бо-ла ташлайди, туғилган бола эса узоқ яшмай, тезда ноубуд бўлади. Бу касаллиқни йўқотиш учун қўй-лаб маблаг сарфлаш талаб қилина-ди.

Касалланган ҳайвонлардан бру-целлез микроби ташиқ муҳитга улардан айрилб чиққан суюқлик-лар ва чиқиндилардан, соғиб олин-ган сўт орқали тарқалади. Бру-целлез микроби, айниқса, моллар бо-ла ташлаган вақтда қўйлаб ак-ралиб чиқади. Уларнинг янги туқ-қан болаларидан, йўлдошдан тар-қаб чорва моллар озуғасига, мол-хоналарга, улар сақланадиган жой-ларга, сув манбаларига, яйловлар-га, молларга илтифатидан турли идишларга, молбоқарларнинг ки-йимларига илашиб шу орқали тар-қалиши мумкин.

Соғлом молларга касаллик қўй-чилик ҳўлларида бруцеллез билан оғриган моллар билан бирга боқил-ган вақтда юқади. Кишиларга эса бу касаллик бруцеллез билан оғри-ган моллардан олинган маҳсулот-ларни қайта ишланмаган ҳа-лдан ва уларни парварни қилиш вақтда юқиши мумкин. Бундан таъқир бруцеллез билан оғриган молларни сўйганда, уларнинг ту-тини, сутини, терисини, жунини қайта ишлаш даврида ҳам про-

филикта қондаларига амал қи-лилмаган тақдирда юқади.

Бруцеллез касали билан оғри-ган ҳайвонларда уларнинг касал-ланганлигини қўйидаги белгилар-дан ақариш мумкин: бугоз си-гирлар, қўй-эчкилар, қўчалар бо-ла ташлайди. Пирик шохли ва майда шохли молларнинг бўйна-ри шийиб кетади. Кишиларга эса бу касаллик содир бўлган вақтда улар ўзаларини нохуш ҳис қилиш-ди. Иссини 38—40 даражагача кў-тариллиб, боши қаттиқ оғрийд.

Тер чиқади. Асаблари зарарланиб бўғинларида шийи вужудга келади ва эриқираб оғрийд. Бундан таъқир мускулларга ҳам оғриқ туради. Шундай белгилар содир бўлса, кишилар дарҳол врачга му-рожаат қилиши шарт. Агарда ҳай-вонларда бруцеллез касаллиғининг белгилари аниқласа, ветеринария врачларига хабар қилиш лозим.

Бруцеллез касаллигини кенг тарқатмаслик учун энг биринчи галда соғлом моллар тўдасига яни молларни қўшмаслик зарур. Алс ҳолда бошқа ердан келтирилган моллар касалланган бўлиши ва улар орқали соғлом молларга юқиши мумкин. Шунинг учун бу касаллик белгилари учраган жойдаги молларни ҳайдаб боқиб, бир жой-дан иккинчи жойга кўчириш на бошқа молларга қўшиш мумкин эмас.

Агарда молларни ҳўжалиқнинг ичиди эки бир ҳўжалиқдан бошқа ҳўжаликка кўчириш зарур бўлиб қолса, ундай ҳўлларида ветерина-рия мутахассисларидан рўхсат олиш керак. Бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган молларнинг со-ғиш муҳитини бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

қондаларига бузмаслик, ферма территорияларининг доимо тоза бўлишини, чорва моллари сақла-наётган жойларда турли ҳашарот-лар ва кемирувчи зараркунада-лар бўзмаслигини қўзғатиб турши-лар керак. Чорвачилик ферма-сида ишлаётган ветеринария мута-хассиси молларда бруцеллез касал-лигини аниқласа, дарҳол ўша

ХОНАДОНЛАР ГАЗЛАШТИРИЛМОҚДА

«Правда» колхозиди мар-казлаштирилган газ ҳўжалиғи коллективни хизматидан. Байт-қўрғон аҳолиси мамну. Ҳо-зирги кунда 700 га яқин хо-надон газлаштирилган. Колхоз правлениси бу йил яна ўнлаб хонадонларни «зангори ёки-ли» билан таъминлашга қарор қилди.

Оржоникидзе районидаги бошқа ҳўжалиқларда ҳам газ-лаштириш ишлари жадал суръ-атлар билан борапти. Шу йил-нинг охиригача райондаги бир неча колхоз ва совхозлар-нинг хонадонлари тўла газлаш-тирилади.

Оққўрғон районидаги «Москва» колхозининг В. Номозов бошлиқ эвеноси аъзолари бу йил 35 цент-нердан «сў олтин» кўтариш учун ҳўшлаштиллар. Ҳозир бу эвено пайкаллариди гўзаларга унинг марта комплекс ишлов бериш ту-ғаланиб сугоринга тайёргарлик қилинмоқда. Суратда: гўзаларга ишлов бериш пайти.

А. АБАЛАН ФОТОСИ.

ҲАМИША САФДА

қайси кабинетга киришни ба-тафсил тушутириб беради. Фурсат топиб, у билан суҳбат-лашшига қарор қилди. Мака-симини тушуниган ҳамшира қў-қунини бир нуқтага қадангача бир оз жим қолди. Кейин жан-гивор хотираларини бошлади:

— Худди кечагидек эсимда, 1941 йил 22 июнь яшанба кунин эди. Эрталаб соат ўнлар-да навабчиликни топириб, уйга қайтиш тараддудини кўра-ётганимда радио фашистлар бизга қарши уруш бошлагани-ни хабар қилиб қолди.

Эртаси дугоналарим Сония ва Шура билан ҳарбий комис-сарнатга бориб, бизни фронтга жўнатишларини сўраб, ариза ёздик. Илтимосимиз қондирли-ди. Шу кун кечқурун эшелон-да фронтга жўнатишди. Вагон-даги қизларнинг аксарияти 18 — 19 ёшлар чамасида эди.

Икки кун йўл босганимиздан кейин ҳамшираларини Сталин-град йўналишида жанг қилаёт-ган 64-ўқчилар полки состави-даги 1668 номерли ҳарбий гос-питальга жойлаштиришди. Бу госпиталь «Оқ қайиш» қишлоғи-

да эди. Эсимда, бир кунни Хай-руллаев деган ўзбек йигитини олиб келишди. Қўй кўп йўқот-ганидан беҳуш эди. Зудлик бил-дан қон қўйиш керак. Қони-нинг гурушасини аниқласек, менингга тўғри келаркан. Ўйлаб ўтиришга қарат йўқ. Ярадорга қонимдан бердим. Хайруллаев икки ҳафтадан ке-йин соғайиб, яна жангга кириб кетди.

Шундай вақтлар ҳам бўлди-ки, ҳатто фашист тазандала-рини ҳам даволашга тўғри келди. Асир олинган «тил»дан муҳим маълумотлар олиш ло-зим бўлган бир пайтда, нафрат ва ғазабин ичга ютиб, фашист-ни ҳам даволадим...

1941 йилнинг ноябрида гос-питаль жойлашган эшелон но-маълум томон йўл олди. Ржев шаҳрида бўлган жангларда қар-тор ярадорларга ердан қур-ташда алоҳида хизмат кўрас-ган ҳамширалар қатори кўмон-донлик мени ҳам III даражали

Шухрат орден билан мукофот-лад.

Айниқса, 1945 йилнинг ли-варь ойи хотирамда қолган. Эшелонимиз ҳамширалари ўша пайтда I-Велорусия фронтини қўшмачисининг 143-ўқчилар дивизияси жангчиларига меди-цина ёрдами кўрсатарди. Дивиз-ица олдида оғир ва машаққат-ли йўл — Висла дарёсини ке-чиб ўтиб, соҳилининг нариги томонига жойлашган душман ўт очиш нуқдаларини яқсон қи-лишдек масъулият вазифа турарди. Дарёдан ўтилаётганда немислар сезиб қолиб, роса ўқ-қа тутишди. Қўйлаб қуролдош дўстларимизни тўқчилар аба-дин ўз қарғиға ютди. Биз эса ярадорларни сув ичидан олиб чиқардик, уларни госпитальга жўнатар эки шу ерининг ўзида медицина ёрдами кўрсатардик.


Душман қанча қаршилик кўрсатмасини соҳилини ағалаб, Прага—Варшава шахрига қа-донлик мени ҳам III даражали

қўлга киритди. Бироқ, дарё-ни кечиб ўтишда оғир яраданли-ораяга эвакуация қилинди. Шу сабабдан қўйлар қатори мен ҳам Александр Невский орде-нин билан мукофотланганимни билмагандим. 25 йилдан сўнг, яқинда орденим менга топши-ришди.

Мен Қозон шаҳрида давола-дим. Ярам тузалиб, ўзимни ях-ши ҳис эта бошлагач, фронтга жўнатишларини илтимос қил-дим. Лекин рад этишди. Шунга қарамай, профессор Вишнев-ский қўл остида жарроҳлик хи-рургиясида катта ҳамшира бў-либ ишлаб бошладим. Бу ерда ҳам ярадорларни даволадим. Ҳалаба байрамимиз эса серкўш ўзбекистонда кутиб олдим...

Жангчи-шифокор ўзининг садоқатли меҳнати учун неча бор Фахрий ёриқлар, «Меди-цина хизмати аълоҳис» нишони, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган.

А. АШУРОВ.



«Оқтош» санаторий-си Эрта Осё ва Қоз-ғистон меҳнаткашлари орасида тобора шухрат қозонмоқда. Қўм-қўн дарахтлар билан бур-канган бу шифобахш даргоҳининг мусавффо тоғ ҳавоси, шўх эндо-сувлари дам олувчилар бахри-диллини очади.

Р. ШАМСУТДИНОВ ФОТОСИ.

(ЎзТАГ).

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

«ЯШИЛ ҚИТЪА» ДА ҒАЗАБ ТЎЛҚИНЛАРИ

Чилидаги Антофагаста шах-рининг ўн мингларча аҳолиси марказий Колон майдонига тўпланишди. Улар бу ерда «Мария Элена» ва «Педеро де Вальдивия» селитра қайта ишлаш кор-хоналаридаги ишчилар билан бирдам эътиборларини билди-риш учун тўпланишди. Бу кор-хонада ишчилар иш ҳақини оширишни талаб қилиб, иш ташлашга эди.

Иш ташлаш ҳақидаги хабар бўғун мамлакатга ёйилиб, ҳам-ма ерда кучли норозиликларни туғдириди. Юзларча насаба со-юз ташкилотлари исёнчиларга ёр-дам бериш учун маблаг тўла-лаш тadbирларини ўтказди.

«Тенсент» мис конининг иш-чилари уларнинг бир кунлик иш ҳақларини, «Мануфактурес де кобре» компаниясининг иш-чилари ҳамда ўқитувчиларнинг насаба союзнининг ҳар бири ўн минг эскудодан иш ташло-вичиларга маблаг юборди.

Бошқа жойларда ҳам шунинг сингари пул ва маблаглар тўла-лаш уюшқоқли билан ўтди.

Бу — Латин Америкасида ави олиб кетган синфий кураш-ларнинг манзараларидан бири эканлиги, холос. Бу қитъада юз бераётган бундай норозилик-лар иш ташлаш ҳодисалари бу-ғун капиталистик дунё доира-сида мавжуд ётаётганларнинг яр-мидан кўпни ташкил этмоқда.

Брларга помешчик эгаллигини тутатиш, демократик эркинлик-лар учун, империализм янгила-ри томонидан вужудга келти-рилган ҳарбий-полиция режими-га қарши чиқишлар кучайиб кетди.

Бундан ташқари Латин Аме-риказининг оддий меҳнатқилла-ри ўз давлат бошқарувидаги мустақил, ташқи сийosat ўткази-шин, социалистик мамлакат-лар билан ҳамкорликни кенгай-тиришни талаб қилиб чиқмоқ-далар. Бу ерларда Америка аг-гессорларининг Ҳинди-Хитойда-ги аггрессиясини тутатиш учун, империалистларнинг континент-даги қурол-ароғ ишлаш объект-ларини тутатиш учун кураш ҳа-ракатлари кенгайиб бормоқда. Ишчилар синфининг жанговар-лиги ва жипслиги ортмоқда. Ависиз репрессияларга қара-май, меҳнатқилларнинг ғалаба-га бўлган ишонч ва иродаси мустаҳкамланмоқда.

Аргентина, Чили, Уругвай, Венесуэла, Колумбия ва бошқа қатор мамлакатларда синфий жанглар айниқса кучайиб кет-ди.

АРГЕНТИНАДА телеграфчил-лар ва Кордова шаҳарининг

СИНФИЙ КУРАШ ФРОНТЛАРИДА

транспортчилари уч ҳафтадан ортиқ ишга чиқмай қўйишди. Лас-Палосда (Тукуман вилояти) тўғув фабрикасининг ишчилари ўнлаб қўлингач иш ҳақини тўла-лаштига эришди. Натива-да суд биринчи марта маъму-рият фойдасига эмас, ишчилар фойдасига қарор чиқарди. Сан-та-Фе вилоятидаги металлургия заводининг 1600 ишчиси иш-дан бўшатишга ўртолқларини ҳимоя қилиб, маъмуриятга та-лабнома билан чиқди.

ВЕНЕСУЭЛАДАГИ Судия штатининг 12 минг ўқитувчиси ишга чиқмай қўйди. Маракана-да, Кабиас ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида 800 минг ўқувчи мактабга бормад.

Мазкур шаҳарларнинг аҳолиси иш ташло-вичиларни қўллаб-қувват-лаб намоёнлар уюштиришди. Бу шаҳарларда полиция ўқу-юртлари биноларини эгаллаб олди. Қўчаларда армия қисмла-ри соқчилик қилди. Иш таш-лашдан сўнг 9 кун ўтгач, му-ниципалитет ҳўкўмронлари ўқи-тувчиларнинг иш ҳақини оши-ришга мажбур бўлди. Ўқи-тувчиларнинг сафаридаги бун-дай жипслик, шунингдек ишчи-лар ва студентларнинг улар билан яқин ҳамкорлиги туфайли ана шу муваффақиятга эри-шишларига сабаб бўлди.

Америка компанияси «Лум-мус» томонидан қўриқлаётган металлургия заводида ишлаёт-ган 340 минг ишчи йирик ғала-бани қўлга киритди. Ишчилар ўтган йили ҳам ўттиз кунлик иш ташлаш уюштириб, комп-ания маъмуриятини коллектив шартномага имзо чекишга маж-бур қилган эдилар. Бу ҳуж-жатда қурувчиларни ишдан бў-шатилга қарши гарантия белги-ланиб олindi, маъмурият со-циал таъминотни яхшилашга ва иш ҳақини оширишга ваъда берди. Бироқ Америка бошқар-малари уларнинг бу мажбу-риятларини бажармадилар.

Шундан сўнг қўриқилган на-та стачка кўтарилиди. Бу стач-кани мамлакатнинг жуда кўп насаба союз ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватлаб чиқди. Қўр-қитишлар, репрессиялар ишчи-ларнинг иродасини бука олма-ди. Нихоят америкаликлар кол-лектив шартномада белгиланган шартларга риоя қилишга маж-бур бўлди.

П. ГОНЧАРОВ, (АПН).

КОСТА-РИКАДА «Стандарт

НОРОДОМ СИАНУК МАКТУБИ

ХАНОЙ. 8 июнь. (ТАСС). Самдек Норodom Сианук Аме-рика халқига мурожаат қилиб, АҚШ қўшинларининг ва АҚШ-га қарам бўлган мамлакатлар-нинг қўшинларини Камбоджа-дан дарҳол ва тўла равишда олиб чиқиб кетиш тўғрисида буйруқ беришга президент Ник-сония мажбур этмоқ учун сил-лар қўлингачдан келган ҳамма чораларни қўришнинг керак, деди.

ВИА агентлигининг хабарига айтилишича, Норodom Сианук-нинг мурожаатида президент Никсон Камбоджага бостириб кириш, уни бомбардировка қилиш, янги қилиш, тинч ва ҳеч бир тўхотсиз граждандарни ўлди-риш ва майиб қилариш тўғриси-да конгрессдан розилик ол-май буйруқ берилгани ҳоқир Камбоджанинг устига шундай қулфат ва бахтсизликлар кел-тирдики, кхмер халқи ўзининг

бутун икки минг йиллик тари-хда бунақа қулфат ва бахтсиз-лигини асло кўрмаган эди, дей-лади.

Ҳинди-Хитой халқлари — кхмерлар, вьетнамликлар ва ла-осликлар фақат бир нарсани, у ҳам бўлса — Ҳинди-Хитойнинг ички ишларига АҚШнинг ара-лашмаслигини талаб қилди.

Ҳинди-Хитойдаги ана шу мамлакатларнинг ҳар бирида туғилган проблемаларни фа-қат шу мамлакатларнинг халқ-лари ҳал қилиши лозим.

Кхмер халқи, дейлади Норо-дом Сианукнинг мактубида, АҚШдан камбоджаларини ўз ҳолига қўйиш, Американинг елланган, ҳарбий денгиз ва ҳар-бий ҳаво кучлари интервенция-сини, шунингдек АҚШга қарам мамлакатлар қуроли кучлари-нинг аралашувини дарҳол бата-мом ва ҳеч сўзсиз тўхтатиш-ни талаб қилади.

Сурия Араб Республикаси қуроли кучлари қўмондонлиги вакилнинг САНАА агентлиги тарқатган баёнатига шу ҳақда айтилган.

Баёнатда оғишма вақтида Исроил қўшинлари аскарлари ва техникасида анчагина тала-фот кўрганлиги таъкидлаб ўтилган.

НИХОЯТ ҒАЛАБА

Мексикада бўлаётган жаҳон чемпионати ҳама футбол во-қеаларини шу жумладан мам-лакат биринчилиги мусобақа-ларини ҳам иккинчи планга суриб қўйди. Шунинг учун олий лига командалари ўйини-да стадион минбарлари бўш қолмоқда.

«Пахтакор» — «Нефчи» ўртасидаги принципиал учра-шу ҳам бундан истисно бўл-мади. Пахтакорчилар хавфли зонадан чиқиб, боқуликлар

эса пешқадамлар сафига му-стаҳкамлаб қўлини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Маълумки, бу икки коллектив бунгача икки марта СССР ку-боги мусобақасида беллашиб, бир-бирларини кучли ва за-фи томонларини пайқаб олми-ган эди. Кубок ўйинлари тўн-ларга бўлган бўлса (2 ўйинда 10 та тўп), биринчилик мусобақасида узоқ вақтгача ис-тибодни очиб музика бўлма-ди.

АГРЕССОРНИНГ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

АММОН. 8 июнь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари араб мам-лакатларига қарши иғвогар-лиқнинг давом эттиришлари. Иордания қуроли кучлари қў-мондонлиги вакилнинг бу ер-да берган ахборотида айтили-шича, кеча Исроил артиллерия-си ва танкалари Иордан дарёси водийсининг шимолий сектори-даги Бакура районида жой-лашган Иордания қўшинлари позициясига қарата ўт очган.

ДАМАШҚ. 8 июнь. (ТАСС). Кеча Голанд тепалиги райони-да Сурия билан Исроил қўши-нлари ўртасида артиллерия ва танк тўпларидан бошланган шиддатли отишма бир соат 15 минут давом этди. Бу отишма Исроилликлар Суриянинг бир қислигини ўққа тутганларидан сўнг бошланиб кетди.

Сурия Араб Республикаси қуроли кучлари қўмондонлиги вакилнинг САНАА агентлиги тарқатган баёнатига шу ҳақда айтилган.

Баёнатда оғишма вақтида Исроил қўшинлари аскарлари ва техникасида анчагина тала-фот кўрганлиги таъкидлаб ўтилган.

Учрашуга командалар анча ўзгарган саватда тушишди. «Нефчи» ҳужумда ҳам, ҳим-ода ҳам жанговар состави бил-дан ўйнади. Совет Армияси са-фидан бўшган ЦСКАнинг «о-биқ» ўйинчиси Эрион Абдура-мов СССР футбол федерация-сининг руҳсати билан «Пах-такор» коллективига қайтиб кел-ди. У билан бирга ярим ҳим-оқ Юрий Петрикеев ҳам пах-такорчилар сафига келиб қў-шилди.

«Пахтакор» тренери ярим ҳим-оқчилар Цибий Петрикеев, Иброҳимов ўйинига катта умид боғлаган эди. Футболчилар ўз олдларигаги вазифаларни ду-руст ундайди олдлар. Улар ҳим-оқчиларга ёрдамлашиб, ўз вақтида шидат билан ҳужум-га ҳам ўтиб туришди. Меҳмон-лар орасида эса тиниб-тинчи-мас Маркаров кўп марта хавф солди.

Учрашувни 86-минутда Чу-вилин қиритган агона тўп

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНING СЕССИЯСИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Учунчи қақирқ Вьетнам Демократик Республикаси миллат мажлиси-нинг олтинчи сессияси бу ерда ўз ишнин тамомлади.

Сессияда Вьетнам Демок-ратик Республикасининг бош ми-нистри Фам Ван Донг ҳукума-тининг фаолияти тўғрисида сий-сий доклад қилди. У Вьетнам халқи ва Ҳинди-Хитой халқла-рининг АҚШ аггрессиясига қар-шилик урушида эришган ғала-баларини, Вьетнам Демократик Республикасидаги социалистик қуролишни ютуқларини ба-тафсил анализ қилиб берди.

Бош министр халқро про-блемаларга тўхталиб, социали-стик лагерь революциянинг та-лийи ва тинчлигини таъини эълон қилишга ўқиб ўтди. Биз, деди у, барча социалистик мам-лакатларнинг социализм ва ком-мунизм қуришдаги порлоқ му-ваффақиятларини таъриқлаймиз ва улар халқларининг тинчлик ишига ва ялпи тинчликни ҳимоя қилишда қўшаётган жуда катта ҳиссасини юксак даражада қадр-лаймиз.

СОВЕТ ҚЎШНҚЛАРИ БАЙРАМИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Зеле-на-Гура шахрининг кенг халқ за-лида совет қўшинлари тўрт кун илгари турди. Муаллимлар, шахтерлар, студентлар, Польша қўшинининг жангчилари, юқори синфларнинг ўқувчилари саҳна-га бирин-кетин чиқиб, ўз маҳ-оратларини намоён қилди. Совет қўшнқларининг Зелена-Гурада ўтган ва халққа жуда манзур бўлган умум Польша фестивалининг охири давраси-да воеводликлардаги қўриқлар-да етиб чиққан ўтган кўн-роқ илгари катнашди. Польша матбуоти уларнинг репертуари хилма-хиллигини ва ижодчилик маҳорати юксак даражада экан-лигини қайд қилди.

ЧССРНИНГ ЭНЕРГЕТИКА БАЗАСИ КЕНГАЙМОҚДА

ПРАГА. (ТАСС). Чехосло-вакия энергетика саноатининг зўр

корхонаси бўлиб қўрилган «Ту-шинце-2» иссиқлик электр энергияси қўриқлаётган майдон-чада тайёргарлик ишлари битай деб қолди. Беш йилликнинг (1971—1975 йиллар) охирида ишга тушадиган янги электр станцияи «Жунир» қўриқ билан ишлайди. Лойиҳада станцияни тўла равишда автоматлашти-риш ва ҳар бири 200 минг киловатт қувватга эга бўлган тўртта энергетика блоки ўрнатилган.

Бу янги станция ишга туши-рилгандан кейин социалистик Чехословакиянинг муҳим иқти-содий вазифасини ҳал қилишга ана бир қадам қўйилди. Қўн-роқ қўриқ конларига жуда бой бўлган Шимоллий Чехия мамла-катининг энг катта энергетика базаси бўлиб қолади. Шу рай-онда йилга жами 30 ми-лилард киловатт соат электр энергия берадиган саккизта кат-та иссиқлик электр станцияси қуриш ва янги бирма-бир аялга оширилмоқда. Бу станциялар Европадаги социалистик мамла-катларнинг «тинчлик» туташ энергетика системасига қўшиб қўйилади.

ҚАРДОШЛАРЧА ЁРДАМ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба меҳ-натқиллари шу ерда гарбий ярим шардаги энг катта зилзи-ладан зарар кўрган Перу халқи-га ёрдам бермоқдалар.

Бу табиий офат қўрбонларига жўнатмоқ учун қон топириган кечаяқ кундуз ишлаётган доно-рлик пунктлари олдига неча минггаб гаваналиклар навбатга тура бошладилар.

Донорлик пунктлари катта-лаб кетган ишчи урдадаги олма-й қолди. Янги пунктлар очиш учун шонлиқ чоралар қўри-моқда.

Куба революцион ҳукумати-нинг бош министри Фидель Кастро ва республика президенти Освальдо Дорткос биринчи-

лардан бўлиб қон топиридилар.

Куба аялакоманиясининг дастлабки икки самолёти Перу-га кўп қон плазмаси, антиби-отик дорилар, зардоб ва ийим-кечак элтиб қайтди. Куба учу-чилари Перу халқига зарур юк-ларни ташиб турмоқ учун «Хаво қўриғи» ўрнатилди.

Куба солиғини сақлаш ми-нистри Элиодоро Мартинес Ху-но биринчи самолёт билан Перу пойтахтига келди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

ХАНОЙ. 8 июнь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Респу-бликаси ҳукумати билан Сомали Демократик Республикасининг ҳукумати дипломатик муноса-батлар ўрнатилган ва бир-бир-ларига олчлар юборишга ро-зилик билдирди, деб хабар бе-ради ВИА агентлиги.




СУДАН РЕСПУБЛИКАСИ. Хартумдаги марказий ишчилар клубида Судан ишчилар насаба союзи Федерациясининг бош секретари Шафи Ахмад аш-Шайхга «Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш» халқаро Ле-нин мукофоти топширилди. Су-ратда: Шафи Ахмад аш-Шайх олй мукофот билан.

Г. МАРУНИН фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕС-ПУБЛИКАСИ. Египет халқи ўз мамлакатни мустақиллиги учун Исроил босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб бормоқ-да. Суратда: шёда қисмларининг бирида ҳарбий манёвр пайти.

ТАСС фотохроникаси.



Реклама

Экранлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатулар програм-маси. 18.00 — Телеянгилликлар (рус тилида).
Узбек тилида: 18.10 — «Анон-ботлар оламига савҳат», 18.40 — Телеянгилликлар.

18.55 дан — Москва курсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатулар програм-маси.
Рус тилида: 18.30 — «ЕШЛИК» студияси курсатади. «ВЛКСМ XVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛ-ДА».

19.00 да — Қирғизистонда уз-бек адабиёти ва санъати денадас-нинг тантанали ёйилиши (Ленин орденли Қирғизистон Давлат Ака-демии опера ва балет театридаги олиб қўриқилади).

УЧУНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 — «Тинч-лик жангчилари» (Телефильм).
20.55 — «Хевсур қиссаси» (Ба-дний фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ ПОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТ-РИДА — 10/VI да **Севги тумори**.
ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ-ДА 10/VI да **Ларзона**.
МУКИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VI да **Нурхон**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сайха — САҒЪАТ САРОНИ, «СПУТНИК», «ЎЗБЕКСТОН», НА-ВОНИ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖ-БА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун), «ЧАНКА» (кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да).

Севишганлар (орталаб соат 10, кундуз 12, 4, кеч 9.45 минутлар-да). Шантленер малинаси (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да) — «КОМ-СОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Муҳаббатнома (2 серия) — «ЎЗ-БЕКСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Халоскорлик (2 серия) — «ЧАН-КА» (кеч соат 8 йилда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 ва 10.30 минутларда бошланади)

Сайха — «ФЕСТИВАЛЬ».

Муҳаббатнома (2 серия) — «ХИВА».

Шантленер малинаси — ТЕЛ-МАН НОМЛИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

«ГАСТРОНОМ» МАГАЗИНЛАРИ

озим-овнат махсулотлардан бўшлаган ҳар хил ҳаммадан ишла идишларни қабул қилади.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСИ

1. — Хорам кўчаси, 25 уй;
2. — Т. Шевченко кўчаси, 8 уй;
3. — Госпиталь бозори;
4. — В. Хмельницкой кўча-си, 18 уй;
5. — Чилонзор массиви, 12 квартал;
6. — Н. Ульяновск ва Свердлов кўчаларининг муқолиши;
7. — Бойленин кўчаси, 6 уй;
11. — Навоий кўчаси, 21 уй;
16. — Волгоград кўчаси, 57 уй;
18. — Висновельт кўчаси, 101 уй;
19. — Гагарин кўчаси, 26 уй;
21. — У. Юсупов кўчаси, 6 «а» уй;
22. — Турман бозори ва Г. Рудом кўчаси («Чулпон ота» бенати);
23. — Измайлов кўчаси, 44 уй;
26. — Ойтепа массиви, Беш-ғоч бозори;
27. — Ш. Руставели кўчаси, 36 уй;
30. — Чарданов кўчаси, 1 уй;
30. — Луначарский шоссе, 430 уй;
31. — Чилонзор массиви, 10 квартал, 18 уй.

Тошкент, область, партия комитети, область, икромия комитети Тошкент электр тармоқлари корхонаси директори М. С. Саидова онаси

Лутфиниса АҚРАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдири-ди.

Тошкент электр тармоқлари корхонаси коллективни хор-она директори М. С. Саидова онаси

Лутфиниса АҚРАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1663.

ИНДЕКС — 64697.
Р. 01570